

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.15/31.12.2020.1.09.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАДРАХИМОВА ГУЛАСАЛ РЎЗИМБОЙ ҚИЗИ

**ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА РЕСУРС ТЕЖАМКОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Мадрахимова Гуласал Рўзимбой кизи

Тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг
ташқикий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш..... 3

Мадрахимова Гуласал Рўзимбой кизи

Совершенствование организационно-экономических механизмов
повышения экономии ресурсов на текстильных предприятиях..... 25

Madraximova Gulasal Ro'zimboq qizi

Improving the organizational and economic mechanisms of increasing
resource savings in textile enterprises..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.15/31.12.2020.1.09.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАДРАХИМОВА ГУЛАСАЛ РЎЗИМБОЙ ҚИЗИ

ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА РЕСУРС ТЕЖАМКОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/1qr461
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган

Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ifmg.uz) ва «ZiyoNet» тизим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиев Дилмурод Хамидуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қосимов Саидахрол Магмурович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Гаипназарова Зумрат Талатовна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва ёнгил саноати институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети хузуридаги DSc.15/31.12.2020.1.09.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «17» 01 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100167, Миробод тумани, Одилхўжаев кўч.1 Тел./факс: (+99871) 293-57-54), e-mail: rector@tashiit.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (04 рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100167, Миробод тумани, Одилхўжаев кўч.1 Тел.: (+99871) 293-57-54).

Диссертация авторферати 2022 йил «05» 01 куни тарқатилди.
(2022 йил «05» 01 (01) рақамли реестр баённомаси).



О.К. Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори

С. А. Юлдашева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, иқтисодиёт фанлари
номзоди, доцент

А.А. Гуламов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиёти ривожланиш тарихида бугунги кунгача тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича катта тажриба тўпланган бўлса-да, ресурслардан тежамкор фойдаланиш имкониятлари етарлича ўрганилмаган. «Жаҳон тўқимачилик бозорининг глобал ҳажми 2020 йилда 1000,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этган, шундан 52,2 фоизи Хитой, 6,9 фоизи Ҳиндистон, 5,3 фоизи АҚШ ва 1,9 фоизи Туркия давлатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. 2021 йилдан 2028 йилгача жаҳон тўқимачилик бозорининг глобал ҳажми (CAGR) 4,4 фоизга ошиши кутилмоқда»¹. Тўқимачилик маҳсулотларига талаб йилдан-йилга ортиб бориши, тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг замонавий механизмларидан фойдаланиш заруратини тобора кучайтириши билан бирга, механизмнинг жорий этилишини таъминлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Жаҳон тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш юзасидан мақсадли илмий изланишлар амалга оширилган. Хусусан, Япония корхоналарининг муваффақиятига сабаб бўлган «Lean production» тежамкор ишлаб чиқариш, (SMED (Single Minute Exchange of Dies – дастгоҳларни тезкор сошлаш), 5 S тизими, жами ишлаб чиқаришнинг техник ҳолати таҳлили (total productive maintenance, TPM)) тизимини жорий этиш, RP (Resource Planning – ресурсларни режалаштириш), ERP (Enterprise Resource Planning – корхона ресурсларини режалаштириш), CSRP (Customer Synchronized Resource Planning – ресурсларни мижозлар билан синхрон режалаштириш) сингари концепцияларни тўқимачилик корхоналарида қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи сифатида тўқимачилик тармоғининг сифат жиҳатидан жадал ривожлантириш юзасидан кенг қамровли ва мақсадли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепциясига мувофиқ юқори технологик тўқимачилик саноатини шакллантириш, хомашёларни чуқур қайта ишлайдиган, тайёр якуний маҳсулот ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштириш, ноанъанавий хомашё ва иккиламчи ресурслардан янги материалларни ишлаб чиқариш ва мамлакатнинг табиий рақобат афзалликларига асосланган ва меҳнатни тақсимлаш устувор вазифалар сифатида белгиланган².

Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...миллий иқтисодиёт таркибида саноатнинг улушини кўпайтириш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини жадал

¹ <https://www.grandviewresearch.com/industry-analysis/textile-market>

² <https://uzbekistan2035.uz/wpcontent/uploads/2019/05/UZB.pdf>

ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни модернизация ва диверсификация қилиш»¹ устувор вазифалар сифатида белгиланган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси мамлакатимизда тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришни тақозо этади.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2015 йил 11 февралдаги ПҚ-2298-сон «2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш давлат дастури тўғрисида» ги, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2018 йил 20 августдаги ПҚ-3910-сон «Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 28 майдаги ПҚ-4341-сон «Республика ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 12 декабрдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий манбаларда ресурслар тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга оид масалалар хорижлик олимлар J.Womack, D.Jones, C.Maia, C.Alves, P.Leao, J.Schumpeter, A.Shokolenko⁴нинг илмий

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.

⁴ Womack, J., & Jones, D. (2003). *Lean Thinking: Banish Waste and Create Wealth in Your Corporation* (2e edition ed.). Simon & Schuster UK Ltd., Laura Costa Maia, Anabela Carvalho Alves and Celina Pinto Leão. 2012, "Design of a Lean Methodology for an Ergonomic and Sustainable Work Environment in Textile and Garment Industry," Volume 3: Design, Materials and Manufacturing, Parts A, B, and C, ASME, p. 1843. J.A.Schumpeter on the Economics of Innovation And the Development of Capitalism, Arnold Heertje, Jan Middendorp (Ed.), Edward Elgar Publishing, 2006, p. 41, A. Shokolenko Improving the processes of resource saving at machine-building enterprises: author. dis Cand. econom. Sciences: 08.00.06. – Omsk, 2006.16 p.

изланишларида ёритиб берилган.

А.В.Богатырев, С.А.Лоскутов, А.М.Мантулин, Н.В.Махаева, О.А.Рашева, Л.В.Епихина, В.А.Чернова, И.И.Гизязтов, И.А.Кинаш, С.А.Кузьмин⁵ сингари МДХ мамлакатлари олимларининг илмий тадқиқотларида мазкур тадқиқот йўналишига доир масалалар атрофлича ўрганилган.

Мазкур масалалар Ўзбекистон олимларидан Н.Зиядуллаев, А.Ортиқов, М.Турсунходжаев, С.Қосимов, Э.Махмудов, Ш.Шодманов, Н.Махмудов, Р.Исаев С.Юлдашев, Г.Умарова, С.Хомидов, Н.Рустамов, Б.Турсунов, З.Ҳакимов, С.Ш.Юсупов, О.Давронов ва бошқаларнинг⁶ илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Ўқоридаги олимларнинг тадқиқотлари, концептуал ёндашувлари муҳим

⁵ Богатырев А.В. Теория и методология организационно-экономического обеспечения ресурсосбережения на промышленных предприятиях: дис. д-ра экон. наук: 08.00.05. – Н. Новгород. 2010. 360 с. Лоскутов С.А. Формирование механизма ресурсоэффективности на предприятиях хлебопекарной промышленности: дис. канд. экон. наук: 08.00.05. – Воронеж, 2015. — 214 с. Мантулин А.М. Экономический механизм ресурсосбережения на предприятии (на примере сахарной промышленности): автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.05. – Воронеж, 2012. — 24 с. Махаева Н.В. Организация ресурсосбережения в сфере жилищно коммунального хозяйства: дис. канд. экон. наук – Тольятти, 2005. 156 с. Рашева, О.А. Ресурсосберегающая политика – преимущество в условиях рыночной экономики / О.А. Рашева, М.В. Петряшова //Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований, 2016. - № 8. - С. 84. Епихина Л.В. Новые подходы к формированию ресурсосберегающей модели предприятия горнорудной промышленности / Л. В. Епихина // Российское предпринимательство, 2016. - № 6. - С. 56-59. Чернова В.А. Концепция бережливого производства: неуклонное сокращение потерь / В.А. Чернова, И.Т. Ареева // Молодой ученый. 2016. - №26. – С. 128-131., Гизязтов И. И. Формирование и комплексная оценка эффективности ресурсосбережения в промышленности: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.05. – Казань, 2011. – 24 с., И. А. Кинаш Организация системы управления ресурсосбережением на предприятии / И. А. Кинаш // Austrian Journal of Humanities and Social Sciences, 2015. - №11. – С. 112-119.

⁶ Зиядуллаев Н. Легкая промышленность Узбекистана. Монография. – Т., 1970. -136 с. Ортиқов А., Исоқов М. Индустриал иктисодиёт. Саноат иктисодиёти ўқув қўлланма. – Т.:Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Тошкент. 2019. Турсунходжаев М.Л. и др. Пищевая промышленность Узбекистана: Темпы. Эффективность. Пропорции. Ташкент, 1981, с. 142-144., Махмудов Э.Х. Промышленность Узбекистана: экономика, размещение, приоритетные направления развития. – Т.: Иктисодиёт, 2013; Шодманов Ш. Тежамкорликнинг умумиктисодий категория сифатидаги мазмуни ва ундан амалда фойдаланиш, мақола, Иктисодиёт назариси ва макроиктисодиёт., Махмудов Н.М., Хомидов С.О. Ўзбекистон саноати: ривожланиш омиллари, тенденцияси ва муаммолари. Монография. – Т.: Иктисодиёт, 2017. Исаев Р.А. Моделирование взаиморасчетов за хлопок-сырец по волокну между хлопкозаводами и хлопкосеющими хозяйствами: (На материалах хлопкозаводов Андижан. обл.) Автореф. дис. на соиск. учен. степ. к.э.н. Спец. 08.00.13., Турсунов Б.О. Корхона фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда ишлаб чиқариш омилларида самарали фойдаланиш. 08.00.13 – «Менеджмент» иктисослиги. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2019. – 162 б., Ҳакимов З.А. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш. 08.00.11 – «Маркетинг» иктисослиги. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2018. – 157 б., Юсупов С.Ш. Кучли рақобат шариотида Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантириш стратегиялари. 08.00.13 – «Менеджмент» иктисослиги. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2018. – 152 б., Давронов О. Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналари иктисодий салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишлари. 08.00.03 – «Саноат иктисодиёти» иктисослиги. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2018. – 139 б., Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: кластерный подход Монография. – Ташкент: ТГЭУ, 2006. – 112 с.; Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: и.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005. – 35 б.; Йўлдошев Н.Қ., Болтабаев М.Р., Рихсиёмов О.К., Ғаниев Б.О. Стратегик менеджмент. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2003, -102 б.; Шодмонова У.А. Иктисодиётни эркинлаштириш шариотида енгил саноатнинг барқарор ривожланиш хусусиятлари: иктисод фанлари номзоди диссертацияси. Иجتимой-иктисодий тадқиқотлар маркази. – Т., 2006. -149 б.; Муратов Р.С. Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси истеъмоли учун енгил саноат маҳсулотлари ассортиментини шакллантиришнинг регионал аспекти 08.00.11 – «Маркетинг» иктисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2006. – 200 б. Тилляходжаев А.А. Иктисодиётни модернизациялаш шариотида тўқимачилик саноати корхоналари рақобатбардошлигини ошириш ва соҳада маркетинг фаолиятини самарали ташкил этиш йўллари. // «BIZNES-ЭКСПЕРТ»; Ҳакимов З. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш.08.00.11-«Маркетинг» иктисослиги. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2018,156 б.

илмий ҳамда услубий манба ҳисобланади. Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, иқтисодий тизимларни бошқариш назариясида саноат корхоналарида ресурсларнинг тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш ва ресурсларнинг тежамкорлигини оширишга қаратилган механизми ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалаларига етарлича эътибор берилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-15-сон «Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ўсишига таъсирини баҳолаш методологiasини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини ошириш ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми мазмунини назарий жиҳатдан ўрганиш;

тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишни тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон иқтисодиётида тўқимачилик саноатининг тутган ўрни ва ресурс тежамкорлигининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлиги механизмидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишда инновацион-инвестицион имкониятлардан фойдаланиш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг иқтисодий-математик моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи «BETLIS TEKSTIL» масъулияти чекланган жамияти ва «SIRDARYO BEST FASHION» масъулияти чекланган жамияти корхоналари белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети тўқимачилик тармоғида ресурслар тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, SWOT-таҳлил, қиёсий таҳлил, индикатив, танланма кузатув,

таққослаш, корреляцион ва регрессион таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик корхоналарида оптимал ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш имконини берувчи «маҳсус баҳолаш шкаласи» ($0.000 \leq D \leq 0.330$ – омилларнинг иккиламчи таъсир даражаси паст; $0.331 \leq D \leq 0.660$ – омилларнинг иккиламчи таъсир даражаси ўртача; $0.661 \leq D \leq 1.000$ – омилларнинг иккиламчи таъсир даражаси юқори) асосида ресурс тежамкорлик механизми самарадорлигини баҳолаш усули такомиллаштирилган;

«SIRDARYO BEST FASHION» МЧЖда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида тегишли иккиламчи ресурсларни (материал чикиндиларни) қайта ишлаган ҳолда суяқ девор қоғози (жидкие обои) учун хомашё сифатида тайёрлаб, уни қурилиш саноати корхоналарига етказишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асосланган;

«BETLIS TEKSTIL» МЧЖда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда «синтетик толали инновацион материаллар»дан фойдаланиш хомашё ресурслар сарфи тежамкорлигини ошириб, маҳсулот экспорти жараёнида етказиб бериш харажатларини қисқартириши асослаб берилган;

«BETLIS TEKSTIL» ва «SIRDARYO BEST FASHION» масъулияти чекланган жамиятларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ўзгаришига корхоналарнинг асосий фондлари қиймати, ишчи ходимлар сони, маҳсулот ишлаб чиқаришда хомашё сарфи таъсирини ифодаловчи эконометрик модель асосида 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик корхоналари фаолиятининг SWOT таҳлили, корхона ходимлари орасида ўтказилган анкета сўровнома таҳлили ҳамда эксперт хулосаларига таянган ҳолда ресурс тежамкорлик механизми самарадорлигини баҳолаш услубиёти такомиллаштирилган;

тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида тегишли иккиламчи ресурсларни (материал чикиндиларни) қайта ишлашга тайёрлаш асосида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

тўқимачилик саноати корхоналарида ресурслар тежамкорлигини ошириш бўйича инновацион гуруҳ ташкил этилган ва корхоналар фаолиятида инновацион ривожлантириш тадбирлари амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, ишлаб чиқилган моделларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг тўқимачилик саноати ваколатли ташкилотларидан ўтганлиги ва тасдиқланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улар асосида тўқимачилик корхоналарида ресурслар тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий

механизми самарадорлигини баҳолашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ва унга қаршли корхоналарда ресурслар тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, соҳадаги муаммоларни аниқлаш ва тармоқ фаолиятини режалаштириш ва ташкил этиш, мамлакат тўқимачилик тармоғи истикболларини белгилаш ҳамда «Саноат иқтисодиёти», «Корхона иқтисодиёти», «Индустриал ва инновацион иқтисодиёт» фанлари бўйича кейс-стадилар, маърузалар матни, ўқув қўлланмалар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тўқимачилик корхоналарида ресурслар тежамкорлигининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўқимачилик корхоналарида оптимал ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлашга имкон берувчи «махсус баҳолаш шкаласи» асосида ресурс тежамкорлик механизми самарадорлигини баҳолаш мезони «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи «BETLIS TEKSTIL» масъулияти чекланган жамиятида ва «SIRDARYO BEST FASHION» масъулияти чекланган жамиятлари фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 26 февралдаги 02/06-796-сон маълумотномаси). Натижада «BETLIS TEKSTIL» масъулияти чекланган жамиятида фойда ҳажмини 2019 йилга нисбатан 4 % га, «SIRDARYO BEST FASHION» масъулияти чекланган жамияти корхонасида фойда ҳажмининг 2019 йилга нисбатан 5 % га ошиши таъминланган;

тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида тегишли иккиламчи ресурсларни (материал чиқиндиларни) қайта ишлашган ҳолда житкий абой учун хомашё сифатида тайёрлаб, уни курилиш саноати корхоналарига етказиб бериш бўйича илмий-амалий тавсия ва таклифлар «SIRDARYO BEST FASHION» МЧЖда амалиётга татбиқ этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 26 февралдаги 02/06-796-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларига кўра, «SIRDARYO BEST FASHION» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш жараёнида ресурслардан самаралироқ фойдаланиш имкони яратилади. Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши корхонада 97 млн. сўмлик ресурс тежамкорлигига эришиш имконини берган;

«BETLIS TEKSTIL» МЧЖда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда «синтетик толали инновацион материаллар»дан фойдаланиш хомашё ресурслар сарфи тежамкорлигини ошириб, маҳсулот экспорти жараёнида етказиб бериш харажатларини қисқартириши бўйича берилган таклиф «BETLIS TEKSTIL» масъулияти чекланган жамияти фаолиятида амалиётга жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 26 февралдаги 02/06-796-сон маълумотномаси). Натижада «BETLIS TEKSTIL» масъулияти чекланган жамиятида 2020 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар

таннархи 2019 йилнинг шу даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархига нисбатан 1,5 % га камайтирилишига эришилган;

«BETLIS TEKSTIL» ва «SIRDARYO BEST FASHION» масъулияти чекланган жамиятларида маҳсулот ишлаб чиқаришда корхоналарнинг асосий фондлари қиймати, ишчи ходимлар сони, хомашё сарфининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ўзгаришига таъсирини ифодаловчи эконометрик модель асосида 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантириш амалиётига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 26 февралдаги 02/06-796-сон маълумотномаси). 2020-2025 йиллар кесимида тўқимачилик корхоналарининг ресурс тежамкорлиги стратегиялари мазкур прогноз кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлардаги маърузаларда баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (жумладан, 2 та республика, 2 та хорижий ва 1 та Scopus базасига киритилган журналларда) чоп этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг иқтисодий механизмининг такомиллаштиришнинг назарий асослари» деб номланган биринчи бобда ресурс тежамкорлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва назарий жиҳатлари, илғор хорижий тажриба ва ундан фойдаланиш масалалари, тўқимачилик корхоналарида ресурсларни тежашнинг иқтисодий концепциясини амалга ошириш кетма-кетлиги асосланган ҳамда тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳамда ресурс тежамкорлигини оширишнинг иқтисодий механизмга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар тизимлаштирилган. Шу билан бир қаторда, ресурс тежамкорлигини оширишнинг стратегик мақсадлари кўрсатиб берилган.

Тўқимачилик корхоналарида ички омилларни ўрганиш натижасида маълум бўлдики, мамлакат иқтисодиётида тўқимачилик корхоналари асосий ўринлардан бирини эгаллайди ва улар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кенг кўламда ҳисса қўшиб келмоқда. Тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлик механизмининг ривожланишини таъминловчи ички омиллар 1-расмда тизимлаштирилган.



1-расм. Тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлик механизмининг ривожланишини таъминловчи ички омиллар⁷

Тўқимачилик корхоналарининг самарали ривожланиши ресурсларни ишлаб чиқариш жараёнига кенг сафарбар этиш, корхоналарда замонавий технология ва инновациялардан самарали фойдаланиш натижасида рўй беради. Тўқимачилик корхоналари фаолиятини самарали ташкил этиш мавжуд ресурслардан унумли фойдаланишни талаб этади. Тизимли ёндашув асосида ресурстежамкорлик механизми самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари кўрсатиб берилди (2-расм).

Диссертацияда ўрганилаётган муаммонинг назарий асосларини тадқиқ этиш натижасида муаллиф томонидан бир қатор услубий ёндашувлар шакллантирилган. Функционал жиҳатдан ихтисослашган ёндашув асосида тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорликнинг иқтисодий механизми декомпозицияси белгилаб олинди. Унда иқтисодий механизм объектлари ва субъектлари, бошқариш тамойиллари ажратилганлигини ҳисобга олиб, ушбу тизимнинг мақсад ва вазибалари ҳамда давлат томонидан мувофиқлаштириладиган йўналишлари аниқланган.

⁷ Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Корхона ходимлари орасида ўтказилган анкета сўровнома таҳлили ҳамда эксперт хулосаларига таянган ҳолда ресурс тежамкорлик механизми самарадорлигини баҳолаш услубиёти такомиллаштирилган. Тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишда ресурслар тежамкорлигининг иқтисодий механизмига таъсир этувчи омилларни икки гуруҳ, яъни ички ва ташқи омилларга ажратиш мақсадга мувофиқ, ички омиллар ташкилий-иқтисодий, техник-технологик ва ижтимоий психологик элементларга бўлинади.



2-расм. Тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлик механизми самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари⁸

Тўқимачилик корхоналарида ресурслар тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришга таъсир этувчи асосий омиллар тизимлаштирилди. Ташқи омиллар ишлаб чиқариш қучларини жойлаштириш, маъмурий бошқарув билан боғлиқ омиллар, табиий иқлимий, инфраструктура ҳолати, ижтимоий-экологик, ташқи иқтисодий фаолият ва илмий-техник ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражасини ўз ичига олади. Ресурс тежамкорлик механизмига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни баҳолашда ҳар бир омил таркибига кирувчи ҳар бир элементлар махсус баҳолаш шкала асосида баҳоланиб, таъсир кўрсатиш даражалари

⁸Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

аниқлаб олинади. Шу тариқа иқтисодий механизмнинг умумий фаолияти баҳоланади.

Тўқимачилик корхоналарида ресурслар тежамкорлигини оширишнинг иқтисодий механизми фаолиятига омилларнинг таъсир даражасини баҳолаш куйидагича ифодаланади:

$$C_k = \frac{(m_1 * 1) + (m_2 * 2) + (m_3 * 3)}{(m * 3)} \quad (1)$$

бу ерда:

C_k – тўқимачилик корхоналарида ресурслар тежамкорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи маълум омилнинг ўртача таъсир даражаси (коэффициенти);

m – баҳо берган қатнашчилар сони;

m_1 – 1 балл берган қатнашчилар сони;

m_2 – 2 баллга баҳолаган қатнашчилар сони;

m_3 – 3 баллга баҳолаган қатнашчилар сони.

Саноат корхоналарида ресурслар тежамкорлигини ошириш иқтисодий механизми омилларининг иккиламчи таъсири куйидаги формула билан изоҳланади:

$$D = \frac{\sum_{k=1}^n C_k}{F} \quad (2)$$

бу ерда:

(degree) – тўқимачилик саноат корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг иқтисодий механизми омилларининг иккиламчи таъсир даражаси (коэффициенти);

F (number of factors) – омилларнинг умумий сони.

Бундай ҳолатда, ушбу кўрсаткичнинг интеграл яъни, «min-max» чегараланган қийматлари эътиборга олинади;

$0.000 \leq D \leq 0.330$ – тўқимачилик саноат корхоналарида ресурслар тежамкорлигини оширишнинг иқтисодий механизмини ривожлантиришга омилларнинг иккиламчи таъсир даражаси паст;

$0.331 \leq D \leq 0.660$ – тўқимачилик саноат корхоналарида ресурслар тежамкорлигини оширишнинг иқтисодий механизмини ривожлантиришга омилларнинг иккиламчи таъсир даражаси ўртача;

$0.661 \leq D \leq 1.000$ – тўқимачилик саноат корхоналарида ресурслар тежамкорлигини оширишнинг иқтисодий механизмини ривожлантиришга омилларнинг иккиламчи таъсир даражаси юқори.

Тўқимачилик саноат корхоналарида ресурслар тежамкорлигини оширишнинг иқтисодий механизмини ривожлантиришга омилларнинг иккиламчи таъсир даражаси ўртача ($D = 0.571$) даражада эканлиги аниқланди.

Тўқимачилик саноат корхоналарида ресурслар тежамкорлигини оширишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришда ресурслар тежамкорлигини оширишга таъсир этувчи омиллардан фойдаланиш даражаси баҳолаш усулига кўра, ижобий эмас.

Бунинг асосий сабаблари:

саноат корхоналарида ресурслар тажамкорлигини амалга ошириш механизмнинг самарали йўлга қўйилмаганлиги;

ресурсларни тежовчи лойиҳаларни субсидиялаш дастурлари мавжуд эмаслиги;

ресурслар тажамкорлигини оширишда иқтисодий-математик молеллардан фойдаланиш даражаси пастлиги;

тўқимачилик корхоналарига йўналтирилган инвестицияларнинг ўртача рентабеллик кўрсаткичи пастлиги.

Юқоридагиларга асосланиб, ресурсларни тежаш муаммосига методик ёндашувнинг ҳар томонлама таҳлили тўқимачилик корхоналарида ресурсларни тежашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, оптимал ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш имконини берувчи, ташкилий-иқтисодий, техник-технологик, ижтимоий-экологик ва маъмурий омилларнинг таъсир даражасини «махсус баҳолаш шкаласи» асосида таҳлил қилиш корхонада таннарх нуктаи назаридан энг оптимал ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш имконини беради. Бу эса, ресурс тажамкорлик механизми самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Диссертациянинг «Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарида ресурс тажамкорлигини оширишнинг иқтисодий механизмдан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва таҳлили» деб номланган иккинчи бобида тўқимачилик корхоналарида ресурс тажамкорлиги бўйича иқтисодий механизмдаги мавжуд муаммолар ва Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари ривожланиш динамикаси, устувор йўналишлари, тўқимачилик корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқлиги, ресурс тажамкорлик механизмни ривожлантириш босқичлари ҳамда кам чиқиндили технологияни жорий этишда ресурс тажамкорлик механизмнинг иқтисодий самарадорлик ҳолати ва ўсиш динамикасини тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усули келтириб ўтилган.

1-жадвал

Мамлакатда саноат ривожланишининг умумий кўрсаткичлари⁹

Кўрсаткичлар ва ўлчов бирлиги	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2020 й.да 2016 й.га нисбатан ўзгариши,%
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), млрд.сўм	242 495,5	302 536,8	406 648,5	510 117,2	580 203,2	239,3
ЯИМ ҳажмининг ошиш суръати, %	106,1	104,5	105,4	105,8	101,6	-
Саноат маҳсулотлари ҳажми, млрд.сўм	45 397,9	59 570,4	95 803,9	136 103,2	152 728,0	336,4
Саноат маҳсулотлари ҳажмининг ошиш суръати, фоиз	105,4	105,2	110,8	105,0	100,7	-
ЯИМ таркибида саноат улуши, фоиз	18,7	19,7	23,6	26,7	26,3	-

⁹ Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

Диссертация ишида мамлакатнинг sanoat махсулотлари ишлаб чиқариш ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар: sanoat махсулотлари ишлаб чиқариш ўсиши, sanoat махсулотларини мамлакатнинг ялпи ички махсулоти таркибидаги ва тўқимачилик sanoatининг республика sanoатидаги улуши баҳоланди (1-жадвал).

Sanoat махсулотлари ҳажмининг ошиш суръати 2020 йилда 36,4 фоизга ошган. Бу ялпи ички махсулот ва унинг таркибий тузилишини ҳисоблаш услубиёти ўзгартирилиши натижасида рўй берган. Тўқимачилик sanoat корхоналари ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати иқтисодий ресурслар билан боғлаб ўрганилиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари 2-жадвалда ёритиб берилган.

2-жадвал

Тўқимачилик sanoat корхоналарида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари¹⁰

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Махсулот ҳажми, (млрд.сўм, амалдаги нархларда)	13 241,7	13 335,3	16 763,3	24 835,2	29 946,6
Ишловчилар, (бирликда)	97126	98415	107530	115883	129793
Меҳнат унумдорлиги, тўқимачилик sanoатида ишловчи ходимлар 1 кишига, минг сум	136 327,9	135 500,5	155 894,3	214 311,2	230 726,2
Меҳнат сизими, киши	7,33	7,38	6,41	4,67	4,33
Асосий фондлар қиймати, млрд.сўм	3 134,50	3 198,80	3 356,90	5 309,80	7 926,70
Фонд қайтими (самараси), сўм	4,44	4,16	4,99	4,68	3,78
Фонд сизими, сўм	0,24	0,24	0,20	0,21	0,26

Тўқимачилик sanoati корхоналарида 2019 йилда меҳнат унумдорлиги 230 726,2 минг сўмга, фонд қайтимининг 3,78 минг сўмга ошиб, материал сизимининг 7,3 фоизга камайиши тармоқда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида рўй берди.

Диссертацияда тўқимачилик тармоғи таркибига кирувчи тикув-трикатаж махсулотлари ишлаб чиқарувчи «BETLIS TEKSTIL» ва «SIRDARYO BEST FASHION» МЧЖлари фаолияти ўрганилди. Корхонанинг 2015-2019 йиллардаги асосий кўрсаткичлари таҳлилларига кўра, ишлаб чиқариш ҳажмининг 2017 йилгача ошиш тенденциясига эга бўлиб, ундан кейин бирмунча пасайган. Асосий фондлар мазкур даврда фондларни янгилаш ҳисобидан ортиб борган. Хомашё сарфи ҳам йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга. Корхонанинг самарадорлиги фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги, махсулотнинг хомашё сизими кўрсаткичлари баҳоланди (3-жадвал).

¹⁰ Муаллиф ҳисоб-китоблари.

2015 йилда фонд қайтими ҳар бир сўм фонд қайтимига 31,8 сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб, бу кўрсаткич пасайиб 10,3 сўмга тушган. Бундай пасайишига асосий сабаб 2019 йилда корхонада модернизация ишлари олиб борилиши натижасида деярли 100 % янги замонавий SULFET Туркия машиналари билан алмаштирилди.

3-жадвал

Корхонанинг самарадорлиги фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги, маҳсулотнинг хомашё сизими кўрсаткичлари¹¹

Йиллар	Ўлчов бирлиги	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019 й.да 2015 й.га нисбатан ўзгариши,%
Фонд қайтими	бир сўмга, минг сўм	31,82	33,45	62,58	23,64	10,33	32,4
Меҳнат унумдорлиги	ишчи бошига, млн сўм	100,0	220,3	412,3	380,2	371,2	371,2
Маҳсулотнинг хомашё сизими	бир сўмга, минг сўм	0,44	0,31	0,40	0,39	0,42	95,4

Меҳнат унумдорлиги 2015 йилда ҳар бир ишчи бошига 100,0 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 3,7 баробар ошиб, 371 млн. сўмга тенг бўлган. Бу натижага фондларни янгилаш ҳисобидан эришилган.

Диссертацияда ресурс тежамкорлик механизми концепциясига асосланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришда «синтетик толали инновацион материаллар»дан фойдаланиш хомашё ресурслар сарфи тежамкорлигини ошириб, маҳсулот экспорти жараёнида етказиб бериш харажатларини қисқартириши асослаб берилган.

«BETLIS TEKSTIL» МЧЖда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар асосан хорижга экспорт қилинади. 100 фозли пахта толасидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажм жиҳатдан оғирлиги уларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар ошишига олиб келган. Масъулияти чекланган жамиятда 2020 йилда «синтетик толали инновацион материаллар»дан фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида ўртача ҳисобда 1 метр квадрат материалга хомашё сарфини камайтирди, маҳсулот сифати ва чидамлилигини ошириб, маҳсулотлар экспорти жараёнида етказиб бериш харажатларини қисқартирди. Натижада «BETLIS TEKSTIL» масъулияти чекланган жамиятида 2020 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 2019 йилнинг шу даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархига нисбатан 1,5 %га камайтирилишига эришилган.

Диссертацияда «SIRDARYO BEST FASHION» корхонаси фаолияти иқтисодий таҳлил қилинган. Унга кўра, корхонада моддий чиқиндиларни (материал қолдиқларини) қайта ишлаш асосида суяқ девор қоғози ишлаб

¹¹ Муаллиф ҳисоб-китоблари.

чиқариш учун хомашё сифатида курилиш саноати ишлаб чиқариш корхоналарига етказиб бериш йўлга қўйилди. Унинг амалиётга жорий этилиши 2020 йилда корхонада 97 млн. сўмлик ресурс тежамкорликка эришиш имконини берган.


Муаллифнинг фикрича, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ресурс тежамкорлик механизмини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқариш жараёнида моддий ресурслар тежамкорлиги таъминланади, ҳамда маҳсулот таннархининг минималлаштиришга эришилади.

Диссертациянинг «**Тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари**» деб номланган учинчи бобда тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми таклиф этилган ва мазкур механизм фаолиятининг асосий тамойиллари кўрсатиб берилган, ресурс тежамкорликка эришиш алгоритмининг асосий йўналишлари илмий асосланган. Тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорликнинг иқтисодий механизмини баҳолашнинг замонавий усуллари тизимлаштирилган, тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича кўп омилли эконометрик модель ишлаб чиқилган, шу билан бир қаторда, моделдан натижавий омилни прогнозлашда фойдаланиш мумкинлиги илмий асосланган.

Муаллифнинг фикрича, ресурс тежамкорлиги тизимини самарали татбиқ этишда ривожланган давлатларнинг асосий йўналишларидан ҳисобланган **TPM** (Total Productive Maintenance, жами ишлаб чиқаришнинг техник ҳолати тахлили), **RP** (Resource Planning, ресурсларни режалаштириш) ва **ERP** (Enterprise Resource Planning, ресурслар сарфини инобатга олган ҳолда ресурсларни режалаштириш) усуллари қўллаш мақсадга мувофиқ.

Тўқимачилик корхоналаридаги ресурс тежамкорлигининг ташкилий-иқтисодий тизими 3-расмда ўз аксини топган. Муаллифнинг фикрича, ресурс тежамкорлик жараёни тегишли тарздаги иқтисодий механизм элементларини унга бевосита таъсир этувчи ўзгариши унга ижобий ёки салбий таъсир этувчи ресурс тежамкорлиги омилларига боғлиқ.

Таклиф этилган ташкилий-иқтисодий механизмни жорий этиш натижасида мамлакатни ривожлантириш омили сифатида тўқимачилик тармоғидаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва ресурсларни тежашнинг асосий йўналишларига таянган ҳолда ривожлантириш ва уни мувофиқлаштириш имконини беради.



3-расм. Тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий тизими¹²

¹² Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузиб чиқилган.

